

## Институтимиз факультет деканлари ўзгарди

### **✘ Ер ресурсларини бошқариш факультетига декан тайинланди.**

Институт ректорининг буйруғига кўра Ер ресурсларини бошқариш факультетига декан вазифасини бажарувчи лавозимига Нарбаев Шарофиддин Кенгешович тайинланди. У 2011 йилдан буён декан лавозимида ишлаб келаётган Муқимов Зариф Мажлисевич бошқа лавозимга ўтиши муносабати билан, унинг ўрнида 2019 йил 3 январдан иш бошлайди. Шарофиддин Нарбаев 1977 йилда туғилган. 2003 йил Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги муҳандис-ер тузувчи. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). У шу кунгача Ер ресурсларини бошқариш факультети таркибидаги “Давлат кадастрлари” кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи лавозимида фаолият кўрсатиб келаётганди.

### **✘ Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультети декани ўзгарди**

Институт ректорининг буйруғига кўра Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультетига декан вазифасини бажарувчи лавозимига Муқимов Зариф Мажлисевич тайинланди. У 2017 йилдан буён декан вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган Кучаров Олимжон Рузимуротович бошқа ишга ўтиши муносабати билан, унинг ўрнида 2019 йил 3 январдан иш бошлайди. Зариф Муқимов 1972 йилда туғилган. 1995 йил Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги муҳандис-иқтисодчи. Иқтисодиёт фанлари номзоди. У шу кунгача Ер ресурсларини бошқариш факультети декани лавозимида фаолият кўрсатиб келаётганди.

### **✘ Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети декани тайинланди**

Институт ректорининг буйруғига кўра 2019 йил 3 январдан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети декани вазифасини бажарувчи лавозимида Қўзиев Улуғбек Таджиевич иш бошлайди. 2017 йилдан буён декан вазифасини бажарувчи лавозимида Фармонов Эркин Толибович ишлаб келаётганди. 2018 йил 9 июлдан Эркин Фармонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан, мазкур лавозимда декан ўринбосари Улуғбек Қўзиев декан вазифасини вақтинча бажарувчи сифатида ҳам иш олиб борган. Улуғбек Қўзиев 1981 йилда туғилган. 2006 йил Тошкент ирригация ва мелиорация институтини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги муҳандис-механик, доцент.